Фарғона водийсида шаклланадиган сув ресурсларини ўрганишга оид илк тадқиқотлар И.А.Ильин ва М.Н.Болшаков томонидан амалга оширилган. Булардан ташқари, А.П.Шеглова ва Д.Й.Юсуповаларнинг Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағридан оқиб тушадиган дарёларнинг ўртача йиллик оқимини ўрганишга бағишиланган илмий ишларини қайд этиш лозим. Бугунги кунда ушбу йўналишда ЎзМУ нинг Куруқлик гидрологияси кафедраси профессор ўқитувчилари ҳамда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти олимлари ушбу йўналишда тадқиқот ишларини давом эттироқдалар.

Юқоридаги тадқиқотларни Фарғона водийси дарёлари оқими ўзгарувчанлигини ҳамда ҳарактерли йиллар давомида тақсимланишини кам сувли йиллар шаклланиш нуқтаи назаридан баҳолаш натижалари билан тўлдириш **долзарб** масалаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот ишининг асосий **максади** Фарғона водийси дарёлари оқими шаклланиш хусусиятларини ўрганиш ва дарёлар оқими ўзгарувчанлигини ҳамда ҳарактерли йиллар давомида тақсимланишини кам сувли йиллар шаклланиш нуқтаи назаридан баҳолашдан иборат.

Ишда **тадқиқот обьекти** сифатида Фарғона водийсида шаклланадиган 14 та дарёлар танланди. Мазкур дарёларнинг ҳарактерли йиллар давомида тақсимланиши ва йиллараро ўзгарувчанлигини статистик баҳолаш ишнинг **предметини** белгилайди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Фарғона вилояти ва унга туташ худудлар серсув дарё ва сойларга анча бой. Улар ботиқни ўраб турган тоғ тизмаларидан бошланиб, нафақат водий худудини, балки Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг катта қисмини сув билан таъминлайди. Ботиқнинг ўраб турган тоғ ёнбағирларидан оқиб тушадиган катта ва кичик дарё ҳамда сойларнинг умумий сони 6500 дан зиёдроқни ташкил этади [Ильин, 1959]. Дарё ва сойларнинг аксарият қисми Олой тоғларида ва жуда кам қисми Қурама тоғларига тўғри келади.

Сирдарёнинг Фарғона водийсидаги ирмоқларини уларнинг гидрографик аломатлари ва оқим режими ҳарактерларига кўра уч группага бўлиш мумкин:

- 1) Олой ва Туркистон тоғ тизмаларининг шимолий ён бағирларидан оқиб тушадиган дарёлар;
- 2) Чотқол ва Қурама тоғ тизмасининг жануби-шарқий ён бағридан оқиб тушадиган дарёлар;
- 3) Фарғона тоғ тизмасининг жануби - ғарбий ён бағридан оқиб тушадиган дарёлар.

Мазкур тадқиқотда Фарғона водийсига оқиб тушувчи 14 та дарёлардаги ўртача ойлик ва ўртача йиллик сув сарфлари ҳақидаги маълумотлар тўпланди. Тўпланган маълумотлар турли йилларни қамраб олган. Бунинг асосий сабаби, ўрганилаётган дарёлар орасида Сўх, Кўксу, Фовасой ва Чодоқсой дарёларида гидрологик кузатишлар бугунги кунгача узлуксиз давом эттирилмоқда. Қолган дарёлардаги кузатишлар турли йилларда якунланган (1-жадвал).

Маълумки, В.Л.Шульц таснифида Ўрта Осиё тоғ дарёлари тўйиниш шароитларига кўра қуидаги 4 тўрт гуруҳга бўлинади: 1) музлик-қор ($\delta \geq 1,00$); 2) қор-музлик ($0,99 \geq \delta \geq 0,26$); 3) қор сувлари ($0,27 \geq \delta \geq 0,18$); 4) қор-ёмғир ($0,17-0,00$) сувларидан тўйинадиган дарёлар [Шульц, 1965].

Таъкидлаш лозимки, Фарғона водийсида 1- ва 2-турга мансуб дарёлар тўйиниш манбаларининг миқдорий қийматлари ҳаво ҳарорати таъсирида ўзгариб туради. Масалан,

ёзги ҳаво ҳароратининг ортиши туфайли дарё ҳавзасидаги мавжуд музликларнинг эриши жадаллашади. Натижада, дарёлар оқимида музлик сувларининг улуши ортиб борса, қор сувларининг хиссаси камайиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, маълум йилдаги гидрометеорологик шароитга боғлиқ ҳолда, дарёларнинг тўйиниш тури ўзгариши мумкин. Худди шу каби ҳолат, 3- ва 4-турга киравчи дарёларда ҳам кузатилади.

Тадқиқотда дарёларининг тўйиниш манбалари В.Л.Шульц таснифи бўйича аниқланди (1-жадвал). Шунингдек, дарёлар учун ҳисобланган Шульц коэффициентларининг йиллараро ўзгариши ўрганилди (1-расм).


1-жадвал
Фаргона водийси дарёларнинг асосий гидрологик кўрсаткичлари
Таблица 1
Основные гидрологические показатели рек Ферганской долины
Table 1
Main hydrological indicators of the rivers of the Fergana Valley

T/p	Дарё–кузатиш жойи	Кузатиш йиллари	H, м	F, км ²	Q, м ³ /с	C _v	δ	Тўйиниш типи
<i>Олой ва Туркестон тоз тизмаларининг шимолий ён бағирларидан оқиб тушадиган дарёлар</i>								
1	Сўх – Сариканда қ.	1927-2024	3480	2480	45,3	0,15	3,5	Музлик-кор
2	Исфайрамсой – Учқўрғон қ.	1926-1975	3240	2220	21,6	0,15	1,42	Музлик-кор
3	Исфара – Ташқурғон қ.	1929-1980	3170	1560	14,6	0,15	1,64	Музлик-кор
4	Кўксу(Курбонкўл) – қўйилиши	1948-2022	3030	174	2,5	0,15	1,66	Музлик-кор
5	Окбура – Тулекен қ.	1939-1975	3030	2430	21,3	0,17	1,41	Музлик-кор
6	Оксув – Дазгон	1950-1986	2800	712	3,8	0,17	2,4	Музлик-кор
7	Шохимардон – Паульган қ.	1925-1975	2620	1300	9,7	0,10	1,23	Музлик-кор
8	Ходжибақирган – Андархон қ.	1946-1995	2420	1740	10	0,16	2	Музлик-кор
<i>Чотқол ва Қурама тоз тизмасининг жануби-шарқий ён бағридан оқиб тушадиган дарёлар</i>								
9	Подшоота – Тосту д.қ.	1934-1975	2830	366	6,0	0,28	0,65	Қор-музлик
10	Коссонсой – Қизилтўқай қ.	1968-1990	2560	1130	6,7	0,43	0,36	Қор-музлик
11	Ғовасой – Ғова қ.	1925-2024	2460	657	6	0,35	0,33	Қор-музлик
12	Чодоқсой – Жулойсой д.қ.	1938-2024	2370	350	3,7	0,43	0,25	Қор сувлари
13	Урюқтисой – қўйилиши	1947-1990	2180	116	0,34	0,65	0,37	Қор-музлик
<i>Фаргона тоз тизмасининг жануби - ғарбий ён бағридан оқиб тушадиган дарёлар</i>								
14	Майлисув – Қайроғоч қ.	1926-1990	2400	530	9,8	0,31	0,41	Қор-музлик

Изоҳ: H – дарё ҳавзасининг ўртача баландлиги, м; F – ҳавза майдони, км²; Q – сув сарфи, м³/с; C_v – вариация коэффициенти; δ – Шульц коэффициенти.

Примечание: H – средняя высота речного бассейна, м; F – площадь бассейна, км²; Q – расход воды, м³/с; C_v – коэффициент вариации; δ – коэффициент Шульца.

Note: H – average elevation of the river basin, m; F – basin area, km²; Q – water discharge, m³/s; C_v – variation coefficient; δ – Schulz coefficient.



1-расм. Шульц коэффициентининг йиллараро тебраниши

Рис. 1. Межгодовые колебания коэффициента Шульца


Fig. 1. Interannual fluctuations of the Schultz coefficient

Бутунжаҳон метеорология ташкилотининг маълумотларига кўра, 2010-2020 йиллар оралиғи энг иссиқ 10 йиллик сифатида қайд этилган. Бу ҳолат дарёлар оқими шаклланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Масалан, юқоридаги графиклардан кўриниб турганидек, В.Л.Шульц таснифи бўйича музлик-кор сувлари ҳисобига тўйинувчи Сўх ва Кўксу дарёлари учун ҳисобланган Шульц коэффициентларининг йиллик қийматлари сўнгти 10 йилликда (2010-2020 й.) кескин ўзгариб бормоқда. Бунинг асосий сабабини ҳаво ҳароратининг ортиши натижасида Сўх ва Кўксу дарёлари ҳавзаларида мавжуд музликлар, доимий қор қопламлари эришининг жадаллашуви билан изоҳлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида дарёлар оқимини йиллараро меъёrlаштиради ва натижада, дарёларда кам сувли йиллар чуқурлашмайди. Бироқ, мазкур гидрометеорологик жараён тоғ музликлари мавжуд бўлмаган ёки уларнинг улуши кам бўлган Фовасой ва Чодоқсой каби дарёларда сув ресурслари тақчиллигининг янада ортишига олиб келади.

Тадқиқотда Фарғона водийсига оқиб тушувчи дарёлар ўртача ойлик оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентлари (C_V) ҳисобланди ҳамда C_V қийматларининг йил давомида ўзгариши ўрганилди (2-расм).

Чотқол-Қурама тоғ тизмаларининг жануби-шарқий ён бағирларидан оқиб тушувчи асосий дарёлар ўртача йиллик оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентлари 0,28-0,47 оралиғида ўзгариши. Урюктисой ҳавзасининг ўртача баландлиги энг кичик (2180 м.) бўлганлиги боис, дарё оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентининг қиймати юқори бўлди (0,65). График таҳлилиниң кўрсатишича, Чотқол ва Қурама тоғ тизмасининг

жануби-шарқий ён бағридан оқиб тушадиган асосий дарёлар ўртача ойлик оқими учун хисобланган C_V қийматларининг энг юқори кўрсаткичлари асосан март-апрель ойларига тўғри келади (2-расм).



2-расм. Дарёлар ўртача ойлик оқими ўзгарувчанлик коэффициентининг ийл давомида тақсимланиши

Рис. 2. Распределение коэффициента вариации среднего месячного стока рек в течение года


Fig. 2. Distribution of the coefficient of variation of the average monthly river runoff during the year

Таъкидлаш лозимки, Фарғона тоғ тизмасидан оқиб тушувчи Майлисув дарёсининг ойлик ўзгарувчанлик коэффициентлари 0,25-0,40 оралиғида ўзгаради. Бу дарёда максимал оқим эртароқ, кўпинча июнь ойида оқиб ўтади, сувнинг кўпайиши эрта – март ойида бошланади, энг минимал оқим эса одатда декабрь-февраль ойларида кузатилади.

Олой-Туркистан тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирларидан оқиб тушадиган дарёлар ўртача ойлик оқими учун хисобланган C_V қийматларининг энг юқори кўрсаткичлари асосан май-июнь ойларига тўғри келади. Сув йиғиши майдонлари баланд бўлганлиги ва доимий музлик-қор сувларидан тўйинганлиги сабаби бу дарёларда оқиб ўтадиган сув миқдори уйилдан бу йилга кам ўзгаради. Ушбу дарёларда мангур қор ва музликларнинг эриши хисобига тўлинсув даври август ойигача чўзилади.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилган ҳолда, ишда дарёлар оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентлари билан улар ҳавзаларининг ўртача баландликлари орасидаги боғланиш ўрганилди (3-расм).

Графикдан кўриниб турибдики, дарё ҳавзасининг ўртача баландлиги юқори бўлган дарёларда ўзгарувчанлик коэффициенти кичик қийматларда бўлади. Масалан, Олой ва Туркистан тоғ тизмасидан оқиб тушувчи дарёлар сув тўплаш майдонларининг асосий қисми нивал ҳудудларда (2500-3500 м) жойлашганлиги боис, ушбу дарёларнинг тўйинишида музлик-қор сувлари асосий роль ўйнайди. Бошқача айтганда, музлик-қор сувлари дарёлар оқимини меъёрлаштиради, натижада улар йиллик оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентлари 0,10-0,17 оралиғида ўзгаради.



3-расм. Дарёлар оқимининг ўзгарувчанлик коэффициентлари билан улар ҳавзаларининг ўртача баландликлари орасидаги боғланиш

Рис. 3. Зависимость коэффициентов вариации стока рек от средних высот их бассейнов


Fig. 3. The dependence of the coefficients of variability of river flows on the average elevations of their basins

Фарғона водийси дарёларининг ўзига хос хусусиятлари улар оқимининг йил давомида фасллар бўйича тақсимланишида ҳам яққол номоён бўлади (4-расм). Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларининг жануби-шарқий ён бағирларидан оқиб тушувчи дарёлар асосий оқими (50-60 фоиз) баҳор мавсумида оқиб ўтса, Олой ва Туркистон тизмаларининг шимолий ён бағирларидан оқиб тушадиган дарёларнинг асосий оқими ёз мавсумида (60-70 фоиз) оқиб ўтади.

Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари дарёларида оқимнинг бундай тақсимланишига асосий сабаб, дарёлар мавсумий қорлар ҳисобига тўйинишидир. Ҳавза майдонлари нисбатан паст жойлашганилиги сабабли эрта баҳорда кун исиши билан мазкур дарёларда сув миқдори ортиб боради.

Олой ва Туркистон тизмаларининг шимолий ён бағирларидан оқиб тушадиган Сўх дарёсида кўп сувли 2007 йилда йиллик оқимнинг 59 фоизи ёз ойларида оқиб ўтган. Дарёда 1957 йилнинг куз-киш мавсумида 19 фоиз оқим хосил бўлган, бу миқдор кўп сувли 2007 йилдагига нисбатан 7 фоизга ортиқ. Оқимнинг бундай тақсимланиши дарёда 1957 йилни кам сувли бўлишини таъминлаган.

Хуноса. Фарғона водийси Ўзбекистоннинг аҳоли энг зич яшайдиган ва суғорма дехқончилик қадимдан ривожланган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Мазкур тадқиқот иши Фарғона водийси дарёлари оқимини миқдорий баҳолаш ва улар гидрологик режимидағи ўзгаришларни аниқлашга бағищланган бўлиб, унинг натижалари иқлим ўзгариши шароитида Фарғона водийсида сув ресурсларидан режали фойдаланиш, суғориш тизимларини лойиҳалаш, куриш ва самарали эксплуатация қилишга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилишда муайян даражада хизмат қиласади.



4-расм. Дарёлар оқимини йил давомида мавсумлар бўйича тақсимланиши

Рис 4. Распределение стока рек по сезонам года

Fig. 4. Distribution of rivers flow by seasons of the year

Миннатдорчилик. Мақола муаллифлари мазкур ишни тайёрлаш жараёнида ўз ёрдами ва илмий маслаҳатларини аямаган Гидрометеорология илмий-тадқиқот интигути ходимларига ўзларининг миннатдорчиликларини билдирадилар.

Муаллифлар хиссаси. Н.Х. Олимжонова: мақоланинг ғояси, ҳисоблашларни бажариш, мақола матнини ёзиш, расмийлаштириш, Д.М. Тургунов: натижалар таҳлили, раҳбарлик, Р.Ю. Махамадалиев: методология, маълумотларни тўплаш, мақолани расмийлаштириш. Мақола муаллифлари қўллэзманинг нашрига тавсия этилган матни билан танишдилар ва ўз розиликларини билдирадилар.

АДАБИЁТЛАР

Ильин И.А. Водные ресурсы Ферганской долины. – Л.: Гидрометеоиздат, 1959. – 251 с.

Каримова Н.Х., АбдулРаҳим Г.М., Исмоилова Н.Б., Тургунов Д.М. Тўлинсув даври элементларининг метеорологик омилларга боғлиқлиги (Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси мисолида) / География ва Ўзбекистон табиий-ресурс салоҳиятини баҳолаш: Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2016. – Б. 208-211.

Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Х., Айтбаев Д.П. Гидрология асослари. – Тошкент: Университет, 2003. – 342 б.

Тургунов Д.М., Сазонов А.А., Ҳикматов Ф.Х., Фролова Н.Л. Маловодья на горных реках Республики Узбекистан: причины и особенности // Вестник МГУ. Серия 5. География, 2020. № 1. – С. 23-34.

Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики

Узбекистан. – Ташкент: НИГМИ, 2000. – 252 с.

Шульц В.Л. Реки Средней Азии. – Л.: Гидрометеоиздат, 1965. – 695 с.

Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. – Ташкент: Изд-во СамГУ, 1960. – 243 с.

Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. – Ташкент: Ўқитувчи, 1969. – 327 б.

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ СТОКА РЕК ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В УСЛОВИЯХ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА

Н.Х. ОЛИМЖОНОВА¹, Д.М. ТУРГУНОВ¹, Р.Ю. МАХАМАДАЛИЕВ²

¹ Научно-исследовательский гидрометеорологический институт, nodirakarimovna@mail.ru, turgunovd1987@gmail.com

² Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, maxamadaliyevr@mail.ru

Аннотация. Основное внимание в исследованиях уделено количественной оценке стока рек Ферганской долины и статистическому анализу распределения речного стока по характерным годам и его межгодовой изменчивости в условиях изменения климата. В работе рассчитаны основные гидрологические показатели 14 рек, впадающих в Ферганскую долину. По классификации В.Л.Шульца определены типы насыщенности рек и изучены годовые изменения коэффициента Шульца, а также был проведен статистический анализ коэффициентов вариации среднегодовых и месячных расходов рек. Количественно оценено сезонное распределение речного стока в течение года.

Ключевые слова: речной поток, речной бассейн, зона сбора воды, гидрологический режим рек, источники насыщения реки, коэффициент Шульца, коэффициент вариации.

FEATURES OF THE FORMATION OF THE FLOW OF RIVERS IN THE FERGANA VALLEY IN THE CONTEXT OF CLIMATE CHANGE

N.Kh. OLIMJONOVA¹, D.M. TURGUNOV¹, R.Y. MAKHAMADALIEV²

¹ Hydrometeorological Research Institute, nodirakarimovna@mail.ru, turgunovd1987@gmail.com

² National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, maxamadaliyevr@mail.ru

Abstract. The main focus in this research is on the quantitative assessment of the flow of rivers in the Fergana Valley and the statistical analysis of the distribution of river flow by typical years and its inter annual variability in the context of climate change. The work calculates the main hydrological indicators of 14 rivers flowing into the Fergana Valley. According to the Schultz V.L. classification, the saturation types of rivers were determined and annual changes in the Schultz coefficient were studied. A statistical analysis of the variation coefficients of average annual and monthly river discharges was also carried out. The seasonal distribution of rivers flow during the year was quantitatively assessed.

Keywords: river flow, river basin, water collection area, hydrological regime of rivers, sources of river saturation, Schultz coefficient, coefficient of variation.

REFERENCES

Ilin I.A. Vodniye resursi Ferganskoy dolini. – L.: Gidrometeoizdat, 1959. – 251 p. (in Russian)

Karimova N.X., AbdulRakhim G.M., Ismoilova N.B., Turg'unov D.M. Tolinsuv davri elementlarining meteorologik omillarga boglikligi (Chirchiq-Ohangaron havzasini misolida) [The dependence of elements of the flood period on meteorological factors (on the example of the Chirchik-Ahangaron River)] // Geografiya va Ozbekiston tabiiy-resurs salohiyatini baholash: Iqtidorli talabalar va yosh olimlarning ilmiy-amalii konferensiyasi materiallari. – Toshkent, 2016. – PP. 208-211. (in Uzbek)

- Rasulov A.R., Hikmatov F.X., Aytbayev D.P. Gidrologiya asoslari [Fundamentals of Hydrology].* – Toshkent: Universitet, 2003. – 342 p. (in Uzbek)
- Turgunov D.M., Sazonov A.A., Xikmatov F.X., Frolova N.L. Malovodya na gornix rekax Respublikni Uzbekistan: prichini i osobennosti [Low water levels in mountain rivers of the Republic of Uzbekistan: reasons and features] // Vestnik MGU. Moskovskogo universiteta. Seriya 5. Geografiya, 2020, Vol 1. – PP. 23-34. (in Russian)*
- Chub V.Y. Izmenenie klimata i ego vliyanie na pripodnopecupniy potensial Pecpublikni Uzbekistan. [Climate change and its impact on the natural resource potential of the Republic of Uzbekistan]. – Tashkent: NIGMI, 2000. – 250 p. (in Russian)*
- Shults V.L. Reki Sredney Azii [Rivers of Central Asia]. – L.: Gidrometeoizdat, 1965. – 695 p. (in Russian)*
- Sheglova O.P. Pitaniye rek Sredney Azii [Feeding of rivers of Central Asia]. – Tashkent: Izd-vo SamGU, 1960. – 243 p. (in Russian)*
- Shults V.L., Mashrapov R. Orta Osiyo hidrografiyasi [Central Asian hydrography]. – Tashkent: Uqituvchi, 1969. – 327 p. (in Uzbek)*

УДК: (551.50+556.332.52)575.13

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИННИНГ СҮХ ЁЙИЛМАСИ ЕР ОСТИ СУВЛАРИ САТҲИГА ТАЪСИРИ

И.Р. СОЛИЕВ¹

¹ Наманган давлат университети, soliyeviqboljon7777@gmail.com

Аннотация. Мақола иқлим ўзгаришишининг Сүх ёйилмаси ер ости сувлари сатҳига таъсирини баҳолаши масалаларига бағишиланган. Ишда асосий эътибор Сүх ёйилмаси ҳудудидаги ер ости сувлари сатҳининг ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлар ва дарё оқимидағи ўзгаришиларга боғлиқлигини ўрганишга қаратилган. Умумий маълумотлар иккى даврға – базавий иқлим давр (БИД, 1960-1991 йй.) ва жорий иқлим давр (ЖИД, 1991-2020 йй.) га ажратилған ҳолда таҳлил қилингандек, ишда ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари, дарёлар оқими ва ер ости сувлари сатҳининг фасллар бўйича ўзгаришилари ҳам баҳоланган.

Калит сўзлар: иқлим ўзгариши, Сүх ёйилмаси, ер ости сувлари, ҳаво ҳарорати, ёғин миқдори, дарё оқими, базавий иқлим давр, жорий иқлим давр, баҳолаши.

Кириш. Маълумки, иқлим ўзгариши бугунги қуннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан иқлим ўзгаришининг инсоният ҳаёти ва атроф-мухитга таъсирини кенг кўламли тадқиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда антропоген омиллар таъсирида глобал ҳарорат кескин ошиб бормоқда. Жумладан, БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро эксперталар гуруҳи (IPCC) 1990 йилдаги биринчи баҳолаш ҳисботида глобал иқлим ўзгаришининг мавжудлиги ва унинг асосий сабабларидан бири инсон хўжалик фаолияти эканлигини кўрсатган эди. Кейинроқ 2001, 2007 йилларда эълон қилингандек ҳисботларда ҳам иқлим ўзгариши янада аниқроқ ва кенгроқ баён қилинди. IPCC нинг 2021 йилда эълон қилингандек ҳисботида XX аср охиридан бошлаб сезиларли даражада ошгани ва бу тенденсия кейинги йилларда ҳам давом этиб, 2030 йилга бориб глобал ҳароратнинг яна 1,5°C га кўтарилиши эҳтимоли юқори эканлиги таъкидланган.

¹ Масъул муаллиф: soliyeviqboljon7777@gmail.com тел.: +998 90 596-42-36

Илмий таҳлиллар шуни қўрсатмоқдаки, иқлим ўзгариши нафақат ҳарорат кўтарилиши, балки ёғин миқдорининг мавсумий ва географик тақсимланишида ҳам ўзгаришларни келтириб чиқармоқда [Камолов и др., 2015]. Иқлим ўзгариши кўплаб ҳудудларда хусусан, шимолий ва шарқий Африқада, Марказий Осиёнинг айрим кисмларида курғоқчиликка ва сув тақчиллигига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги (COP28) нутқида иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда янада жиддий сезилаётганлиги, минтақамизда ҳаво ҳароратининг ортиши натижасида музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолганлиги, ичимлик суви тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олиб бораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шуларни эътиборга олган ҳолда иқлим ўзгариши шароитида ер усти ва ер ости сувлари режимидағи ўзгаришларни тадқиқ қилиш бугунги кундаги долзар масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши ва унинг минтақадаги сув ресурсларига таъсирини баҳолаш масалаларига қаратилган тадқиқотлар Т.А.Ососкова, Т.Ю.Спекторман, В.Е.Чуб [Ососкова, Спекторман, Чуб, 2008], М.Л.Арушанов [Арушанов, 2010], Б.А.Камолов [Камолов, 2013, 2015], Ф.Хикматов [Хикматов, Ососкова, Чуб, 2005; Хикматов ва бошқалар, 2024], Ю.В.Петров, Х.Т.Эгамбердиев, М.Алаутдинов, Б.М.Холматжанов [Петров ва бошқалар, 2010], Д.М.Турғунов [Хикматов, Турғунов, 2017], Э.А.Солиев [Солиев, 2008] ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган.

Бироқ юқорида номлари қайд этилган олимларнинг тадқиқотларида иқлим ўзгаришининг Фарғона водийси, хусусан Сўх ёйилмасидаги ер ости сувлари сатҳига таъсири масалалари алоҳида тадқиқот обекти сифатида кўриб чиқилмаган. Мазкур мақола айнан Сўх ёйилмасидаги ер ости сувлари сатҳининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларни баҳолашга қаратилганлиги билан аввалги тадқиқотлардан фарқ қиласди.

Тадқиқот ишининг асосий **мақсади** иқлим ўзгаришининг Сўх ёйилмаси ҳудудидаги ер ости сувлари сатҳига таъсирини баҳолашдан иборат. Ишда кўзланган мақсадни амалга ошириш учун қўйидаги **вазифалар** белгилаб олинди ва ишда ўз ечимини топди.

1) Сўх ёйилмаси ҳудудида жойлашган Кўқон метеостанциясида кузатилган ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари ҳақидаги кўп йиллик метеорологик маълумотлар ва Сариканда гидрологик постида ўлчанган Сўх дарёси оқимининг кўп йиллик маълумотларини тўплаш ҳамда уларни бирламчи қайта ишлаш;

2) Сўх дарёси ҳавзасида жойлашган кузатув қудуқларидағи ер ости сувлари сатҳининг ўртача ойлик ва кўп йиллик қийматларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш;

3) тўпланган маълумотларни ЖМТ томонидан тавсия этилган базавий (БИД, 1961-1990 йй.) ва жорий (ЖИД, 1991-2020 йй.) иқлимий даврлар бўйича ўзаро таққослаш;

4) ер ости сувлари сатҳидаги ўзгаришларни ҳудуддаги ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари ҳамда дарё оқимиға боғлиқлигини статистик баҳолаш.

Тадқиқот **объекти** сифатида Сўх ёйилмаси ҳудуди танлаб олинган. Тадқиқотнинг **предметини** эса иқлим ўзгариши шароитида Сўх ёйилмасидаги ер ости сувлари сатҳидаги ўзгаришларнинг метеорологик ва гидрологик омилларга боғлиқлигини баҳолаш ташкил қиласди.

Тадқиқот жараёнида Кўқон метеорология станциясида ўлчанган ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари ҳамда Сўх дарёсининг Сариканда гидропостида ўлчанган сув сарфининг ўртача ойлик ва кўп йиллик маълумотларидан фойдаланилди. Шунингдек, ишда, Фарғона гидрогеология стансиясининг 21, 28, 258, 259 кузатув қудуқларида

1960-2020 йиллар оралиғида ўлчанган ўртача ойлик ва кўп йиллик ер ости сувлари сатҳи тўғрисидаги маълумотлардан ҳам фойдаланилган.

Тадқиқотда дастлаб, Қўқон метеостанциясида ҳаво ҳароратларининг фасли ўзгаришлари таҳлил қилинди. Таҳлиллар юқорида айтиб ўтилганидек, базавий ва жорий иқлимий даврлар учун амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қўқон метеостанциясида ҳаво ҳароратининг (t) фаслий ўзгаришлари (°C)

Таблица 1

Сезонные изменения температуры воздуха (t) на метеостанции Коканд (°C)


Table 1

Seasonal variations in air temperature (t) at the Kokand meteorological station (°C)

Даврлар	Фасллар				Йиллик
	Баҳор	Ёз	Куз	Қиши	
БИД (1961-1990 йй.)	15,67	26,53	13,67	0,83	14,0
ЖИД (1991-2020 йй.)	15,91	26,65	14,03	1,51	14,43
Фарқ (Δ=ЖИД-БИД)	0,24	0,11	0,36	0,68	0,43

Жадвал маълумотлари барча фаслларда Сўх ёйилмасининг марказий қисмida ҳаво ҳарорати БИДга нисбатан ЖИДда кўтарилиб бораётганини тасдиқлайди. Жумладан, ҳаво ҳарорати баҳорда $0,24^{\circ}\text{C}$ га, ёзда $0,11^{\circ}\text{C}$ га, кузда $0,36^{\circ}\text{C}$ га ва қиши фаслида $0,68^{\circ}\text{C}$ га ортиб бормоқда. Аввалги 30 йилликка нисбатан жорий 30 йилликдаги ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати эса $0,43^{\circ}\text{C}$ га ортиб, унинг абсолют қиймати $14,43^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилган.

Бундан ташқари тадқиқотда, ўртача йиллик ҳаво ҳароратидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида уларнинг хронологик ва фарқли интеграл эгри чизиқларини тузилди (1-расм).



1-расм. Қўқон метеостанциясида ҳаво ҳароратининг (t) хронологик ва фарқли интеграл эгри чизиқлари

Рис. 1. Хронологические и дифференциально-интегральные кривые температуры воздуха (t) на метеостанции Коканд

Fig. 1. Chronological and differential-integral curves of air temperature (t) at the Kokand meteorological station

Ҳаво ҳароратининг ўртача йиллик қийматлари асосида тузилган хронологик графиклар 1-расмнинг (А) чап томонида кўрсатилган. Хронологик графикни кўрсатишича БИДга нисбатан ЖИДда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати кўтарилиб бормоқда. ЖИДда ҳаво ҳароратининг ўртачадан юқори бўлган йиллар сони ортиб бораётганини 1-расмнинг ўнг томонида (Б) келтирилган фарқли интеграл эгри чизиқлар графикига ҳам тасдиқлайди

(1-расм). ЖИДнинг охирги йилларида кузатилаётган ҳаво ҳароратининг пастлашини аномал совуқлар билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида, иқлим ўзгаришининг Сўх ёйилмаси худудидаги атмосфера ёғинларига таъсирини Кўқон метеостанциясида кузатилган ойлик ва йиллик ёғин миқдорлари таҳлилий натижаларидан кўрса бўлади. (2-жадвал).

2-жадвал

Кўқон метеостанциясида атмосфера ёғинларининг (Х) фаслий ўзгаришлари (мм)

Таблица 2

Сезонные изменения атмосферных осадков (Х) на метеостанции Коканд (мм)


Table 2

Seasonal variations of atmospheric precipitation (X) at the Kokand meteorological station (mm)

Даврлар	Фасллар				Йиллик
	Бахор	Ёз	Куз	Киши	
БИД (1961-1990 й.и.)	41,26	11,78	22,75	38,79	114,58
ЖИД (1991-2020 й.и.)	48,19	14,28	25,39	43,73	131,59
Фарқ (Δ=ЖИД-БИД)	6,93	2,50	2,64	4,94	17,01

Жадвал маълумотлари ЖИДда барча фаслларда атмосфера ёғинлари БИДга нисбатан ортиб бораётганини тасдиқлайди. Энг катта ўзгариш баҳор фаслига тўғри келиб, мазкур фаслда БИД ва ЖИД орасидаги фарқ 6,93 мм га тўғри келади. Жорий иқлимий даврда йиллик ёғин миқдори эса 17 миллиметрга ортган.

Йиллик атмосфера ёғинлардаги ўзгаришларини Кўқон метеостанциясида ўлчанган йиллик ёғин миқдорининг хронологик (А) ва фарқли интеграл эгри чизиқлар (Б) графиклари орқали янада аниқ баҳолаганлигини кузатиш мумкин (2-расм).



2-расм. Кўқон метеостанциясида ўлчанган атмосфера ёғинларининг (Х) хронологик ва фарқли интеграл эгри чизиқлари

Рис. 2. Хронологические и дифференциальные интегральные графики измеренных атмосферных осадков на метеорологической станции Коканд

Fig. 2. Chronological and differential integral curves of measured atmospheric precipitation at the Kokand meteorological station

Ўртacha йиллик ёғин миқдорининг асосида тузилган хронологик график 2-расмнинг чап томонида (А) келтирилган. Хронологик графикни таҳлили БИДга нисбатан ЖИДда йиллик ёғин миқдорининг бироз кўпайганини тасдиқлайди. Йиллик ёғин миқдоридаги ўзгариш йўналишларини аниқлаш мақсадида 1961-2020 йиллар учун фарқли интеграл эгри чизиқлар графиги тузилди ва 2-расмнинг ўнг томонида (Б) кўрсатилди.

Бизга маълумки, фарқли интеграл эгри чизиқлар графиги ёрдамида атмосфера ёғинлари ўртачадан кўп ёки камлигини аниқлаш мумкин. График тузилган 1961-2020 йилларда ўртача йиллик атмосфера ёғинлари 122 миллиметрга тенг бўлган. Графикни кўрсатишча, атмосфера ёғинлари 1961-1966 йилларда ўртачадан кам, 1967-1970 йилларда ўртачадан кўп, 1971 йилдан 1990 йилга қадар ўртачадан кам, 1991 йилдан 2010 йилларга қадар ўртачадан кўп, 2011-2017 йилларда ўртачадан кам, 2018 йилдан кейинги шароитда ўртачадан кўпайиб борган. БИДнинг 30 йилидан 25 йилида атмосфера ёғинлари ўртачадан камайиб 5 йилида кўпайган. ЖИДнинг 30 йилдан 23 йилида атмосфера ёғинлари ортачадан кўп, 7 йилида кам бўлган. Умумий ҳолда ЖИДда атмосфера ёғинлари кўпайиб бораётганлигини таъкидлаш мумкин.

Сўх ёйилмасининг ер усти сувлари фаслий ва йиллик ўзгаришларни қуидаги 3-жадвалда ўз аксини топган.

Жадвал маълумотлари Сўх дарёси ўртача йиллик оқими жорий иқлим даврида базавий иқлим даврига нисбатан $7,38 \text{ m}^3/\text{s}$ га қўпайганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, жадвалдан барча фаслларда дарё оқими қўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса бу қўпайиш ёз фаслида яққол кўзга ташланади.

3-жадвал

Сўх дарёсида сув сарфларининг (Q) фасли ўзгаришлари (m^3/s)

Таблица 3


Сезонные изменения расхода воды (Q) в р. Сох ($\text{м}^3/\text{s}$)

Table 3

Seasonal fluctuations in water discharge (Q) in the Sokh River (m^3/s)

Даврлар	Фасллар				Йиллик
	Баҳор	Ёз	Куз	Қиши	
БИД (1961-1990 й.и.)	16,20	112,21	34,15	11,89	43,61
ЖИД (1991-2020 й.и.)	20,42	129,15	41,57	12,85	51,00
Фарқ (Δ=ЖИД-БИД)	4,22	16,93	7,42	0,95	7,38

Сўх дарёси оқимидағи ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ўртача йиллик қийматлар асосида 1961-2020 йиллар учун хронологик (А) ва фарқли интеграл эгри чизиқлар графиклари (Б) тузилди (3-расм).



3-расм. Сўх дарёси ўртача йиллик оқимининг хронологик ва фарқли интеграл эгри чизиқлари

Рис. 3. Хронологические и дифференциальные интегральные графики среднегодового стока реки Сох

Fig. 3. Chronological and differential integral curves of the average annual flow of the Sokh River

Сўх дарёси ўртача йиллик оқимининг хронологик графиги 3-расмнинг чап томонида кўрсатилган. Графикдан кўриниб турибдики, базавий иқлим даври 1961-1990 йилларда дарё оқими ўртачадан камроқ 1991-2020 йилларда ўртачадан кўпроқ бўлган. Сўх дарёси оқимининг ўзгариш йўналишларини аниқлаш мақсадида тузилган фарқли интеграл эгри чизиқлар графиги 3-расмнинг ўнг томонида келтирилган. Фарқли интеграл эгри чизиқлар графиги ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

1961-2020 йиллар давомида Фарғона гидрогеология станциясининг 21, 28, 258, 259 кузатув қудукларидан олинган натижалар орқали Сўх ёйилмасининг ер ости сувлари сатҳидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин. Юқоридаги кузатув қудукларидаги ер ости сувларининг ўртача ойлик сатҳи маълумотлари асосида фасли ўзгаришлари хисобланди (4-жадвал).

4-жадвал

Сўх ёйилмаси ҳудудида ер ости сувлари сатҳининг (h) фаслий ўзгаришлари (м)

Таблица 4

Сезонные изменения уровня подземных вод (h) на территории поймы реки Сох (м)

Table 4

Seasonal variations in groundwater level (h) in the Sokh floodplain area (m)

Даврлар Фасллар	БИД (1961-1990 йй.)	ЖИД (1991-2020 йй.)	Фарқ (Δ=ЖИД-БИД)
21-кузатув қудуғи			
Бахор	1,98	2,11	0,13
Ёз	2,97	2,70	-0,26
Куз	3,23	2,81	-0,42
Қиши	2,36	2,32	-0,03
Йиллик	2,64	2,51	-0,13
28-кузатув қудуғи			
Бахор	1,56	1,48	-0,08
Ёз	1,76	1,72	-0,04
Куз	2,01	1,86	-0,15
Қиши	2,00	1,71	-0,29
Йиллик	1,83	1,69	-0,14
258-кузатув қудуғи			
Бахор	97,15	94,81	-2,34
Ёз	99,63	97,77	-1,86
Куз	95,70	93,60	-2,09
Қиши	94,34	91,45	-2,90
Йиллик	96,71	94,16	-2,55
259-кузатув қудуғи			
Бахор	49,32	48,65	-0,67
Ёз	50,01	50,06	0,05
Куз	49,54	49,65	0,11
Қиши	49,21	48,54	-0,67
Йиллик	49,50	49,25	-0,25

Жадвал маълумотлари барча қузатув қудуқларида ер ости сувларининг ўртacha йиллик сатҳи нисбатан кўтарилаётганлигини тасдиқлайди. ЖИДда 258-қузатув қудуғида ўртacha йиллик ер ости сувлари сатҳи 2,55 метрга кўтарилиган. Барча фасллар ва ўртacha йиллик ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиб бориши 258, 28-қузатув қудуқларида қузатилган. Ёйилма марказида жойлашган 21-қузатув қудуғида ер ости сувлари сатҳи баҳор фаслида, 259-қузатув қудуғида эса ёз фаслида пасайиш қузатилган. Сўх ёйилмаси худудида жорий иқлим даврида БИДга нисбатан ер ости сувлари сатҳи фасллар бўйича кўтарилиб бормоқда. Ёйилма худудида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиб бориши атмосфера ёғинлари ва Сўх дарёси оқимининг кўпайиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

Ер ости сувлари сатҳининг ўзгариш йўналишларини аниқлаш мақсадида юқоридаги қузатув қудуқлари ўлчанган сув сатҳи ўртacha йиллик қийматлари асосида хронологик (А) ва фарқли интеграл эгри чизиқлар графиклари (Б) тузилди (4-расм).


Хронологик графиклар 21, 28, 258 қузатув қудуқларида ер ости сувлари сатҳи жорий иқлим даврида БИДга нисбатан кўтарилиб бораётганлигини кўрсатади. Сўх ёйилмасининг юқори ўнг соҳилларида жойлашган 259-қузатув қудуғида ер ости сувлари сатҳи ЖИДнинг 1990-2012 йиллари давомида кўтарилиб борган. Мазкур даврнинг 1994 йилда қузатув қудуғининг ер ости сувлари сатҳи энг юқори 47,16 метрга кўтарилиган. 2013 йилдан кейинги шароитда ер ости сувлари сатҳи пастлаб боради ва 2016 йилга келиб сув сатҳи ер юзидан 52,08 метр пастга тушади. Бундай пастлаш ёйилманинг шу қисмида ер ости сувларидан фойдаланиш билан боғлиқ.

Ёйилманинг марказий қисмида жойлашган 21-қузатув қудуғининг хронологик графиги БИДнинг 30 йилидан 16 йилида ўртacha 2,40 метрдан баланд, 14 йилида ости сувлари сатҳи ўртacha 2,40 метрдан чукурда бўлганини кўрсатади. Ер ости сувлари сатҳи ўртачадан чукурда бўлган 14 йилнинг 12 йили 1977-1990 йиллар оралиғида қузатилган. Юқоридаги таҳлиллар Сўх ёйилмасининг марказий қисмида БИДнинг охирида ер ости сувлари сатҳи пастлаб борганлигини тасдиқлайди. ЖИДнинг 30 йилидан 12 йилида ер ости сувлари сатҳи ўртачадан пастда, 18 йилида ўртачадан юқорида бўлган. Қолган қузатув қудуқларида ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни қузатиш мумкин.

Сўх ёйилмаси худудида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиб бораётганлигини фарқли интеграл эгри чизиқлар графиклари ҳам тасдиқлайди. 21-қузатув қудуғида ер ости сувлари сатҳи 1961-1974 йилларда кўтарилиб, 1975-1990 йилларда пастлаб, 1991 йилдан кейинги шароитда ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб келмоқда. Шунга ўхшаш ҳолатни 28-қузатув қудуғида ҳам қузатиш мумкин.

Жорий иқлим даврида ер ости сувлари сатҳини кўтарилиб боришини 258-қузатув қудуғида яққол кўриш мумкин. Ўртacha йиллик қийматлари асосида тузилган фарқли интеграл эгри чизиқлар графики 1961-1990 йилларда ер ости сувлари сатҳи пастлаб, 1991-2020 йилларда кўтарилиб борганлигини тасдиқлайди.

Сўх ёйилмасининг юқори ўнг соҳилларида ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши бироз бошқачароқ кечмоқда. БИДнинг 1960-1964 йилларида ер ости сувлари сатҳи пастлаб, 1965-1970 йилларда бироз кўтарилиб, 1971-1989 йилларда пастлаб борган. Жорий иқлим даврининг 1990-2012 йилларида ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб борган бўлса, 2013 йилдан кейинги шароитда пастлаб бормоқда. Бу худудларда ер ости сувлари сатҳини пастлаб бориши ер ости сувларидан фойдаланиш билан боғлиқ.



4-расм. Сүх ёйилмаси худудида ер ости сувлари сатхининг хронологик ва фарқли интеграл әгри чизиқлари

Рис. 4. Хронологические и дифференциальные интегральные графики уровня подземных вод в районе Сохского разлива

Fig. 4. Chronological and differential integral curves of the groundwater level in the Sokh alluvial area

Юқоридаги олинган натижаларнинг таҳлилларига таяниб қуидагиларни **хулоса** қилиш мумкин.

1. Сўх ёйилмаси ҳудудида ЖИДда БИДга нисбатан ҳаво ҳарорати кўтарилиб бормоқда. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиб бориши барча фаслларга хос бўлиб, куз ва қиши фаслларида яққолроқ кўзга ташланади. Шунингдек, Сўх ёйилмаси ҳудудидаги атмосфера ёғинлари 1990 йилдан кейинги шароитда кўпайиб бормоқда. ЖИДда ёйилманинг марказий қисмларида йиллик атмосфера ёғинлари 17 мм гача кўпайган. Бугунги кунда атмосфера ёғинлари миқдорининг ортишини қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантиришда ҳисобга олиш тавсия этилади.

2. Сўх дарёси ўртача йиллик оқими ЖИДда БИДга нисбатан сезиларли, яъни $7,38 \text{ м}^3/\text{с}$ га кўпайган. Дарё оқимининг кўпайишини барча фаслларда кузатиш мумкин. Бу кўпайиш ҳароратнинг кўтарилиши билан боғлиқ ҳолда музликлар эришининг жадаллашиши ва атмосфера ёғинларининг ортиши билан боғлиқ. Дарё оқимининг кўпайишини вақтингча бўлиши мумкинлигини сувдан фойдаланишда эътиборга олиш зарур.

3. Жорий иқлим даврида Сўх ёйилмаси ҳудудида ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб бормоқда. Бу кўтарилиш ҳарорат кўтарилиши, атмосфера ёғинлари ортиши ва дарё оқимининг кўпайишига мос келади. Сўх ёйилмаси ҳудудида ер ости сувлари мониторингини олиб боришда ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари ва дарё оқимидағи ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Миннатдорчилик. Мақолани тайёрлаш жараёнида зарур маълумотларни тўплашда ёрдамларини аямаган Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ва Фарғона гидрогеология станцияси ходимларига, мақолани нашрга тайёрлашда кўрсатган услубий маслаҳатлари учун Наманган давлат университети География ва атроф-мухит муҳофазаси кафедраси профессори, г.ф.д. Б.А.Камоловга, кафедра катта ўқитувчиси г.ф.ф.д. (PhD) Б.Р.Рапиқовга ҳамда Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти бош илмий ходими г.-м.ф.д. (DSc) Б.Д.Абдуллаевга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

АДАБИЁТЛАР

Арушанов М.Л. Климатический спектр планеты Земля. – Ташкент: НИГМИ, 2010. – 159 с.

Камалов Б.А., Хусанова Г. Оценка реакции температуры воздуха в Ферганской долине на глобальное потепление. Сб. науч. трудов / Международной конференции «Инновационные методы и средства исследований в области физики атмосферы, гидрометеорологии, экологии и изменения климата». Ставрополь, 23-28 сентября, 2013 г. – С. 229-233.

Камалов Б.А. Парниковый эффект – путь к глобальному решению проблемы опустынивания / Сб. трудов Международной научной конференции с элементами научной школы «Инновационные методы и средства исследований в области физики атмосферы, гидрометеорологии, экологии и изменения климата». Ставрополь 21-25 сентября, 2015 г. – С. 156-159.

Камалов Б.А., Солиев И.Р. Ер ости сувлари сатҳи ўзгаришини статистик таҳлил қилиш усуслари / “Гидрогеология, инженерлик геологияси, геоэкологияларнинг замонавий муаммолари ва уларни ечиш йўллари” халқаро илмий-техник конференция материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 314-317.

Камалов Б.А., Солиев И.Р. Глобал иқлим илиши шароитида Фарғона водийсида ёғин миқдоридаги ўзгаришлар // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 49-жилд. – Тошкент, 2017. – Б. 161-164.

Камалов Б.А., Солиев Э.А., Солиев И.Р. Фарғона водийси дарёлари суви оқимини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш. – Наманган: Наманган нашриёти, 2017. – 146 б.

Ососкова Т.А., Спекторман Т.Ю. Чуб В.Е. Изменение климата. – Ташкент: Узгидромет, 2008. – 154 с.

Ососкова Т.А., Ҳикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Иқлим ўзгариши. – Ташкент: Узгидромет, 2005. – 54 б.

Ҳикматов Ф.Х., Юнусов Ф.Х. Тоғ дарёлари оқими миқдорини метеорологик омилларга боғлиқ ҳолда баҳолаш масалалари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 50-жилд. – Тошкент, 2017. – Б. 193-197.

Ҳикматов Ф.Х., Турғунов Д.М. Тоғ дарёларида кам сувли йиллар, уларнинг меъёри ва кам сувиликнинг чуқурлашуви масалалари // ЎзМУ хабарлари. № 3/1-табиий фанлар, Тошкент, 2017. – Б. 330-334.

Ҳикматов Ф., Зияев Р.Р., Ҳайдаров С.А., Сайдова Д.А., Ғаниев Ш.Р.. Ўрта Зарафшон ҳавзасида метеорологик катталикларнинг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини баҳолаш // Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги илмий журнали. 1-сон. – Тошкент, 2024. – Б. 38-47.

Ҳакимова З.Ф. Чирчик-Оҳангарон ҳавзасида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг иқлим илиши шароитидаги ўзгаришларини баҳолаш // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 63-жилд. – Тошкент, 2023. – Б. 76-81.

Petrov Y.V., Egamberdiyev H.T., Alautdinov M., Xolmatjanov B.M. Iqlimshunoslik. – Toshkent: Noshir, 2010. – 168 б.

Петров Ю.В., Эгамбердиев Х.Т., Холматжанов Б.М. Метеорология и климатология. – Ташкент: НУУЗ, 2005. – 333 с.

Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент: «Ворис нашриёт» МЧЖ, 2007. – 133 с.

ВЛИЯНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА УРОВЕНЬ ПОДЗЕМНЫХ ВОД В РЕЧНОЙ РАВНИНЕ СОХА

И.Р. СОЛИЕВ¹

¹ Наманганский государственный университет, soliyeviqboljon7777@gmail.com

Аннотация. Статья посвящена оценке влияния изменения климата на уровень грунтовых вод Сохской аллювиальной равнины. В исследовании основное внимание уделено изучению взаимосвязи между уровнем грунтовых вод в Сохской аллювиальной равнине и изменениями температуры воздуха, атмосферных осадков и речного стока. Общие данные проанализированы с разделением на два периода: базовый климатический период (БКП, 1960-1991 гг.) и текущий климатический период (ТКП, 1991-2020 гг.). Кроме того, в работе оцениваются сезонные изменения температуры воздуха, атмосферных осадков, речного стока и уровня грунтовых вод.

Ключевые слова: изменение климата, Сохская аллювиальная равнина, грунтовые воды, температура воздуха, количество осадков, речной сток, базовый климатический период, текущий климатический период, оценка.

IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON THE GROUNDWATER LEVELS IN THE SOX RIVER PLAIN

I.R. SOLIYEV¹

¹ Namangan State University, soliyeviqboljon7777@gmail.com

Abstract. The article is devoted to assessing the impact of climate change on the groundwater level of the Sokh alluvial plain. The study focuses on examining the relationship between groundwater levels in the Sokh alluvial plain and changes in air temperature, atmospheric precipitation, and river discharge. General data have been analyzed by dividing them into two periods: the baseline climate period (BCP, 1960–1991) and the current climate period (CCP, 1991–2020). Additionally, the study evaluates seasonal variations in air temperature, atmospheric precipitation, river discharge, and groundwater levels.

Keywords: climate change, Sokh alluvial plain, groundwater, air temperature, precipitation amount, river discharge, baseline climate period, current climate period, assessment.

REFERENCES

- Arushanov M.L. Klimaticheskiy spektr planeti Zemlya [Climate Spectrum of Planet Earth]. – Tashkent: NIGMI, 2010. –159 p. (in Russian)
- Kamalov B.A., Xusanova G. Otsenka reaksii temperaturi vozduxa v Ferganskoy doline na glabalnoe poteplenie [Assessment of Air Temperature Response to Global Warming in the Fergana Valley] / Sb. nauch. trudov Mejdunarodnoy konferensii «Innovatsionnie metodi i sredstva issledovaniy v oblasti fiziki atmosferi, gidrometeorologii, ekologii i izmeneniya klimata». Stavropol, 23-28 September 2013. – PP. 229-233. (in Russian)
- Kamalov B.A. Parnikoviy effekt – put k global'nomu resheniyu problemi opust'nivaniya [The Greenhouse Effect: A Pathway to a Global Solution for Desertification] / Sb. trudov Mejdunarodnoy nauchnoy konferensii s elementami nauchnoy shkoli «Innovatsionnie metodi i sredstva issledovaniy v oblasti fiziki atmosferi, gidrometeorologii, ekologii i izmeneniya klimata». Stavropol, 21-25 September 2015. – PP. 156-159. (in Russian)
- Kamalov B.A., Soliev I.R. Yer osti suvlari sathi ozgarishini statistik tahlil qilish usullari [Methods for Statistical Analysis of Groundwater Level Changes] / “Gidrogeologiya, injenerlik geologiyasi, geoekologiyalarning zamonaviy muammolari va ularni yechish yo'llari” xalqaro ilmiy-texnik konferensiya materiallari. – Toshkent, 2015. – PP. 314-317. (in Uzbek)
- Kamalov B.A., Soliev I.R. Global iqlim ilishi sharoitida Fargona vodiysida yog'in miqdoridagi ozgarishlar [Changes in Precipitation in the Fergana Valley under Global Warming Conditions] // Ozbekiston geografiya jamiyati axboroti. 49-jild. –Toshkent, 2017. – PP. 161-164. (in Uzbek)
- Kamalov B.A., Soliev E.A., Soliev I.R. Fargona vodiysi daryolari suvi oqimini iqlim ozgarishi sharoitida baholash [Assessment of River Water Flow in the Fergana Valley under Climate Change Conditions]. – Namangan: Namangan nashriyoti, 2017. – 146 p. (in Uzbek)
- Ososkova T.A., Spektorman T.Yu. Chub V.Ye. Izmenenie klimata [Climate Change]. – Tashkent: Uzgidromet, 2008. – 154 p. (in Russian)
- Ososkova T.A., Hikmatov F.X., Chub V.Ye. Iqlim ozgarishi [Climate Change]. – Tashkent: Uzgidromet, 2005. – 54 p. (in Uzbek)
- Khikmatov F.X., Yunusov G.X. Tog daryolari oqimi miqdorini meteorologik omillarga bogliq holda baholash masalalari [Issues in Assessing Mountain River Flow Quantities in Relation to Meteorological Factors] // Ozbekiston geografiya jamiyati axboroti. 50-jild. – Toshkent, 2017. – PP. 193-197. (in Uzbek)
- Khikmatov F.X., Turgunov D.M. Tog daryolarida kam suvli yillar, ularning meyori va kam suvlilikning chuqurlashuvi masalalari [Low Water Years in Mountain Rivers, Their Standards, and Issues of Deepening Water Scarcity] // OzMU xabarlari. № 3/1-tabiiy fanlar, Toshkent, 2017. – PP. 330-334. (in Uzbek)
- Khikmatov F., Ziyaev R.R., Xaydarov S.A., Saidova D.A., Ganiev Sh.R. Orta Zarafshon havzasida meteorologik kattaliklarning iqlim ilishi sharoitidagi ozgarishlarini baholash [Assessment of Changes in Meteorological Parameters in the Zarafshan Basin under Global Warming Conditions] // Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi ilmiy jurnal. 1-son. –Toshkent, 2024. – PP. 38-47. (in Uzbek)

